



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 31 январь, № 22 (8917)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЭҲТИРОМ ВА БИРДАМЛИК ИФОДАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев 30 январь куни пойтахтимиздаги Ислом Каримов ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.



Маросимда Олий Мажлис палаталари, Президент Администрацияси ва ҳукумат вакиллари, зиёлилар, шаҳар жамоатчилиги жам бўлди.

Бу эл-юртга хизмат унутилмас-

лиги, ҳамиша эъзоланишидан далолат. Шавкат Мирзиёевнинг эътибори билан Биринчи Президентимизнинг хотираси абадийлаштирилди, у киши таваллуд топган 30 январь ҳар йили нишонланадиган бўлди.

Тошкентда илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси ташкил этилди. Самарқандга ташрифлар чоғида Ислом Каримов мақбараси-



ни зиёрат қилиш эзгу анъанага айланди.

Бу кейинги авлодлар учун ҳам ибрат ва намунадир. Маросимда ана шундай эҳтиром ва бирдамлик

намоён бўлди. Куръон оятлари ўқилиб, дуо қилинди. Биринчи Президентимизнинг халқ манфаати йўлида қилган ишлари, фазилатлари ёдга олинди.

Шундай тадбирлар Самарқанд ва Қарши шаҳарларида ҳам ўтказилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАЙДОНЛАРИДА ДАРОМАДЛИ МАҲСУЛОТЛАР ЕТИШТИРИШ БОРАСИДАГИ ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев томорқада ва ижарага берилган экин ерларида даромадли маҳсулот етиштиришнинг янги тизими бўйича йиғилиш ўтказди.

Омилкорлик ва таркибий ўзгаришлар туфайли қишлоқ хўжалиги майдонларидан мўл ҳосил олинмоқда. Шу билан бирга, бошқа ерларни ҳам "иқтисодий актив"га айлантириш, одамларни ишли қилиб, даромадини ошириш чоралари кўриляпти.

Масалан, 5 миллиондан зиёд хонадонларда 508 минг гектар томорқа, аввал ташкил этилган деҳқон хўжаликларида 17 минг гектар ва сўнгги йилларда аҳолига тарқатилган 260 минг гектар ер бор. Бу озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда энг катта заҳира.

Ўтган 7 йилда томорқа эгалари ва деҳқон хўжаликлари қўллаб-қувватлаш учун жами 2,3 триллион сўм имтиёзли кредит ва 265 миллиард сўмлик субсидия берилган. Одамларнинг кўникмасидан келиб чиқиб 5 минг 145 та маҳалла мева-сабзавот етиштириш, қўчатчилик, лимончилик каби йўналишларга имтисослаштирилган.

Энг асосийси, одамлар ерга ишлов беришни, замонавий агротехнологияларни қўллашни яхши ўрганди. Илгари томорқада гектаридан ўртача 18 тонна маҳсулот олинган бўлса, ҳозирда бу 2 карра ошиб, 38 тоннага етди.

Маҳаллаларда қўшимча 470 минг тонна мева-сабзавотни сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш қувватлари яратилди. Бу борада яхши тажриба яратган туман ва маҳаллалар жуда кўп. Асака, Жондор, Шахрисабз, Уйчи, Қизилтепа, Янгийўл, Тойлоқ, Ангор, Кува, Олтиарик каби ўнлаб туманларда одамлар томорқадан 2-3 марта ҳосил олиб, бир сотихдан ўртача 15 — 20 миллион сўм даромад тоپяпти.

Бундай ишларни бошқа жойларда ҳам ривожлантириш учун аҳоли, қайта ишловчилар ва экспортчиларнинг тақлифлари ўрганилди.

Масалан, самарқандлик боғбонлар узум қўчатини шпалерга ўтказиш учун субсидия беришни сўраган. Бундай усулда ҳосил 2 карра ошади. Бу қўллаб-қувватланиб, ҳар бир шпалер учун 15 минг сўмгача субсидия ажратиладиган бўлди. Шунингдек, майизни осма усулда қуритиш ускуналари учун оилавий тадбиркорлик дастури доирасида имтиёзли кредит берилиши айтилди.

Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги Таасмасой маҳалласида 875 та хонадон томорқасида цитрус мева қўчати ва лимон етиштириб, ҳар бири йилга 200 миллион сўмгача даромад оляпти. Сариосиё ва Олтинсой-

даги мингдан зиёд хонадонлар ҳам "хандақ" ва "термос" усулида лимон етиштириш ташаббусини билдирган. Янгийўллик деҳқонлар ҳам ўзимизнинг қўчат уруғлари йўқолиб кетгани, сифатли нав етишмаслигини айтган. Булар бўйича вазиятни ўнглаш, аҳоли ташаббусларини амалга ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари томорқа ва деҳқончилик ерларида юқори даромадли ва экспортбop экинлар экиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва молиялаштириш бўйича янги ташаббусларни маълум қилди.

Деҳқон хўжаликлари ва томорқани ривожлантириш бўйича алоҳида кенгаш тузилади. У аҳолини ўқитишдан тортиб уруғ, қўчат етказиш, маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва экспортга чиқариш занжирини яратиш билан тизимли шугулланади.

Мазкур кенгаш бошқарадиган "Ўзагростар" холдинг компанияси ташкил этилади. Ушбу холдинг таркибида мева-сабзавотчилик йўналишларига иктисослаштирилган 15 та компания очилади. Ушбу компаниялар мева-сабзавот етиштириш бўйича ўз брендини яратган 15 та драйвер туманини янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг тажрибасини яна 72 та туманда оммалаштиради.

Ҳар бир компанияга бюджетдан 20 миллиард сўмдан маблағ ажратилади. Томорқа кенгашида алоҳида жамғарма ташкил қилиниб, дастлабки босқичда 260 миллион сўм ва 1,2 триллион сўмлик кредит портфели берилади.

Бунинг ҳисобига 15 та компания бириктирилган туманлардаги иктисослаштирилган маҳаллалар аҳолисини ўзига мижоз қилиб, маблағ билан таъминлайди. Томорқада ҳосилни кўпайтириш учун четдан янги технология ва экспертлар олиб келади. Хонадонларга ҳосилдор уруғ ва қўчат, сифатли ўғит етказиш, агротехник маҳсулотлар кўрсатиш, маҳсулотини қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт қилишда кўмаклашадиган тизим ташкил этилади.

Уруғчилик институтлари билан ҳамкорлик ривожлантирилади. Танлаб олинган туманларда "ашил" иссиқхоналар ташкил этилади.

Умуман, аҳоли томорқасида озиқ-овқат етиштиришни молиялаштириш учун қарийб 5 триллион сўм йўналтирилиши белгиланди.

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа эгаларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча имкониятлар яратилади.

Жумладан, маҳалла ва хонадонларда музлаткич, қадоклаш, қуритиш, қайта ишлаш омборлари ва иссиқхоналар қурилиб, аҳолига 5 йилда бўлиб тўлаш шарти билан тайёр ҳолда берилади. Томорқа хизматларини йўлга қўйган тадбиркорларга 7 йил муддатга 17,5 фоиз имтиёзли кредит ажратилади. Аҳоли ва деҳқонларнинг энг намунали лойиҳалари учун ҳар йили 20 миллиард сўмлик грантлар эълон қилинади. Бунда 500 та маҳалладаги энг зўр лойиҳага 40 миллион сўмдан грант берилади.

Шу билан бирга, маҳаллада экспортбop маҳсулот етиштиришни йўлга қўйиб берган уста-деҳқонларга 100 миллион сўмгача, қисқа муддатли ўқув курсини ташкил қилганларга 5,5 миллион сўм субсидия ажратилади. Сув таъминоти оғир жойларда ёмғир сувини тўплаш ва сақлаш сифимини қуриш харажатиинг ярми қоплаб берилади.

Яна бир янгилик — Қишлоқ хўжалиги жамғармасидан мева-сабзавот етиштириш ва қайта ишлаш лойиҳаларига кредит ажратишда гаров талаб қилинмайди. Бунда суғурта полисининг ўзи етарли бўлади. Деҳқонларга ортиқча ҳужжатларсиз имтиёзли кредит берилади.

Томорқа ва деҳқон хўжалиги ерлари, уларда етиштирилган маҳсулот ҳисобини юритиш бўйича ҳам янгича тизим бўлади. Бунинг учун йил якунигача томорқалар ва экин ерлари алоҳида таснифланади. Уларда нима экилгани "онлайн маҳалла" платформасига киритилади.

Ердан самарали фойдаланиб, бир сотихда 5 миллион сўмдан юқори расмий даромад олаётган деҳқонларга ер солигининг 90 фоизи "қэшбек" сифатида қайтариб берилади. Аксинча, томорқасига экин экимагнлардан ер солиғи оширилган микдорда ундирилади.

Ҳозир бу соҳада "рақамли бозор" бўлмагани учун деҳқонлар мева-сабзавотига харидор, қайта ишловчи ва экспортчилар эса маҳсулот қидириб юрибди. Шу боис уларни ўзаро боғлайдиган "маркет плейс" ишга туширилади.

Охириг уч йилда 260 минг гектар ер аҳолига бўлиб берилган эди. Энди бу такомиллаштирилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах ва Тошкент вилоятларида бўш турган 3 минг 300 гектар ер тажриба тариқасида янгича тартибда ижарага берилади. Бунда контурлар 3 гектардан 50 гектаргача яхлит ҳолда

савдога қўйилиб, 49 йилга ижарага берилади.

Энг муҳими, бу ерлар тупроқ таркиби ва сифати таҳлили, кафолатли сув лимитини энг паст ва энг юқори чегаралари кўрсатилган ҳолда аукционга қўйилади. Бунда нафақат шу ҳудуддаги, балки бошқа вилоятдаги тадбиркорлар ҳам қатнашиб, ер олиши мумкин бўлади. Аукцион бошланғич нархни пасайтириб бориш ва бир йўла тўлаш шарти билан ўтказилади. У ерларнинг бир қисмига сақлаш ва қадоклаш қувватлари қуришга ҳам рухсат берилади.

Келгуси йилдан қишлоқ хўжалиги ерлари учун солиқ ҳисоблаш тартиби ҳам ўзгаради. Ижарага берилган ернинг балл-бонитети ошса, тўланадиган солиқ ўзгармайди, аксинча тушиб кетса, солиқ ставкаси 3 карра ошади.

Юртимизда энг кўп истеъмол қилинадиган маҳсулотлардан бири картошқадир. 290 минг гектарда экилса ҳам, эҳтиёжнинг бир қисми импортдан қопланяпти. Негаки нав ва ҳосилдорлик яхши эмас.

Шу боис Картошқачилик илмий-тадқиқот институтига иқлимга мос, серхосил навларни яратиш, Invito усулида йилга 3 миллион дона туганак етиштириб, тарқатиш вазифаси қўйилди.

Бу йил картошқачиликни ривожлантириш учун қишлоқ хўжалиги жамғармасидан 400 миллиард сўм йўналтирилди. Импорт қилинган ҳамда маҳаллий етиштирилган уруғлик картошқани сотишда қўшилган қиймат солигининг 50 фоизи "қэшбек" сифатида қайтариб берилади. 2027 йилдан картошқага эҳтиёж тўлиқ ички имконият ҳисобидан қопланиши режалаштирилган.

Шунингдек, маҳсулот етиштириш ва қайта ишлаш учун техникалар етказиб бериш, деҳқонларга қулай лизинг маҳсулотлари тақдим этиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари ҳудудлардаги уста деҳқонлар ва томорқа эгалари билан мулоқот қилди. Улардан бири — ҳовлисидаги иссиқхонада йилга 4 марта ҳосил олиб юқори даромад топаётган қорақалпоғистонлик Генжимурат Турдимуратов "Дўстлик" орденига лойиқ қўрилди.

Мутасаддилар ва банк раҳбарлари ушбу янги ташаббусларни жорий қилиш, 1 миллион 500 минг аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари бўйича ахборот берди.

ЎзА.

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ КўЛАМИ КЕНГАЯДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Лукойл» компанияси асосчиси Вагит Алекперовни қабул қилди.

Учрашувда Россиянинг етакчи нефть-газ компаниясининг Ўзбекистон энергетика соҳасидаги лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Геология-қидирув ишларини олиб бориш ва истиқболли углеводород конларини ўзлаштириш, инфраструктурани модернизация қилиш ва нефть маҳсулотларини чакана сотиш ти-

зимини ривожлантириш шулар жумласидан.

Компаниянинг мамлакатимиздаги фаолиятини кенгайтириш режалари юзасидан фикр алмашилди. Мутахассисларни тайёрлаш ва ишга жойлаштириш, ижтимоий аҳамиятга молик дастурларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎзА.

БУЮК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ

Президент Шавкат Мирзиёев 29 январь куни Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, бу даргоҳ нафақат ўтмиш ҳақида ҳикоя қиладиган, балки тарих, бугун ва келажақни боғлайдиган, тараққиётимизнинг асосий йўналишларини белгилаб берадиган ақл-тафаккур маркази бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Нигох

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида бунёд этилаётган ушбу мажмуада юртимиздаги ислом маданияти билан боғлиқ бир неча минг йиллик қадимий ўтмиш мужассам бўлади.

— **Марказ билан танишган одам ана шу тарихни яққол кўриб, ислом дини, бу аввало, тинчлик, тараққиёт ва бағрикенглик дини эканини, ўзбек халқининг дунё тамаддунига қўшган буюк ҳиссасини англайди,** — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари янги Ўзбекистонда айни йўналишда олиб борилаётган ишлардан кўзланган бош мақсадни ҳам аниқ ва лўнда ифодалади: **миллий ўзлигимизни англаш ва англатиш!**

Ҳақиқатан ҳам, замонавий дунёда сарҳадлар йўқолиб, глобаллашув жараёни янгиича қоидаларни тақозо этар экан, миллий ўзлик масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Хўш, бугун шиддат билан илгарилар эканмиз,

нима учун ўз тарихимиз сарчашмаларини ёдда тутишимиз керак?

Ҳар қайси тамаддун, маданият ва халқ тарих асосида шаклланади. Тарих эса фақат саналар ва воқеа-ҳодисалар билан чекланиб қолмайди, балки у авлодларнинг жонли хотираси сифатида ғалаба ва фожиалар, сабоқларни ўз ичига олади. Ўз тарихини ёдда тутиб, ҳурмат қилувчи халқ ўтмишдаги хатоларни такрорламай, ёрқин келажақни барпо этишга қодир бўлади. Франциялик мутафаккир Вольтер XVIII аср шайдаёқ шундай деган эди: "Ўтмишни билмайдиган одам ҳозирги замонни ҳам, келажақни ҳам, ҳатто ўзлигини ҳам билмайди".

Шундай экан, тил ва адабиёт, санъат ва урф-одатлар шунчаки "ўтмиш сарқити" эмас, балки халқнинг келиб чиқишини белгилловчи код дейиш мумкин. Уларни унутган халқ ва миллат ўзининг қиёфасини йўқотади. Бунга эса замонавий воқеаликда йўл қўйиб бўлмайди. Яқин вақтларгача умуминсоний деб ҳисобланган кадриятлар кўз ўнгимизда таназзулга юз топмоқда.

Олий Мажлис Сенатида

НУФУЗЛИ АНЖУМАНГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН



Олий Мажлис Сенатида Парламентларо Иттифокнинг 150-йубилей ассамблеясини ўтказиш бўйича ташкилий кўмита йиғилиши бўлди. Уни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари, вазирлик ва идоралар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги раҳбарлари ҳамда ташкилий кўмита аъзолари иштирок этди.

Маълумки, Парламентларо Иттифокнинг 150-йубилей ассамблеяси давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига асосан шу йил 5 — 9 апрель кунлари мамлакатимизда бўлиб ўтади. 190 га яқин мамлакатлар қонун чиқарувчи органларини бирлаштириб келаётган Парламентларо Иттифок ассамблеяси ҳар йили 2 мартаба ўтказилади. Мазкур тадбир парламентаризм ва барқарор ривожланишнинг ижобий тажрибаси юқори бўлган мамлакатлардагина ўтказиб келинмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистоннинг Парламентларо Иттифокқа аъзолиги 2017 йилда қайта тиклангани таъкидланди. Ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимиз парламентаризм ва барқарор ривожланиш йўналишида катта тажри

булар билан ҳам учрашди. Икки мамлакат ўртасида парламентларо алоқаларнинг истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

бага эришган. Бу ютуқлар йирик халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Парламентларо Иттифокнинг 150-Ассамблеяси Ўзбекистонда бўлиб ўтиши тарихий воқеалардир. Чунки бундай тадбир Марказий Осиё минтақасида илк мартаба ўтказилган.

Ассамблеянинг асосий мазсуви “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” деб номлангани, унинг доирасида бутун дунё парламентлари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ва ўз тажрибалари билан ўртоқлашиши қайд этилди.

Шунингдек, бир ҳафта давомида Парламентларо Иттифокнинг кўмиталари томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш, илм-фан ва технология, ёшлар масалаларига бағишланган турли тадбирлар ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Сенат Раиси мазкур тарихий ва нуфузли анжуманда барча бирдек фаол бўлиши кераклигини таъкидлаб, уни юқори савияда уюштириш борасидаги қатор вазифаларга тўхталиб ўтди.

СЕНАТОРЛАРИМИЗ КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯСИ ТАРКИБИДА

Олий Мажлис Сенати аъзолари Одилжон Маматкаримов, Сайёра Абдикаримова ва Зумрад Бекатова Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги

Парламентларо Ассамблеяси кузатувчилари миссияси таркибида Беларусь Республикаси Президенти сайловида иштирок этди.

Ҳамкорлик

Сенаторлар сайловга тайёргарлик қириш ва уни ўтказиш ишлари билан

яқиндан танишди. Овоз бериш жараёнларини сайлов участкаларида бевосита кузатди.

Ташриф доирасида сенаторлар Беларусь Республикаси парламенти

аъзолари билан ҳам учрашди. Икки мамлакат ўртасида парламентларо алоқаларнинг истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

Сенат кўмитасида

ВАЗИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ — МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ НАЗОРАТИДА

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси томонидан семинар ташкил этилди. Унда жиноятчилик бўйича “қизил” тоифадаги ҳудудларда вазиятни барқарорлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар устидан самарали депутатлик назоратини амалга ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

Тадбирда сенаторлар, маҳаллий Кенгашларнинг Коррупцияга қарши курашиш ва ҳавфсизлик масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари, аъзолари ҳамда котибати мудирилари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг мазкур йўналишга масъул бўлган раҳбар ўринбосарлари, шаҳар ва туманлар

ички ишлар бўлимлари бошлиқлари қатнашди. Иштирокчиларга шу йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида ҳавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорининг мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилди. Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбу

зарликларнинг барвақт олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашнинг мулқло янги механизмлари яратилаётгани таъкидланди. Олий Мажлис Сенатининг 3-ялпи мажлисида мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилувчи қатор қонунлар маъқуланганига тўхталиб ўтилди.

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг қатор нормалари мазмун-моҳиятига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, унинг 131-моддасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутат

лари Кенгашлари олдидан ҳисобдорлиги қайд этилгани айтилди. Айрим маҳаллий Кенгашларда 2023-2024 йилларда ички ишлар органлари ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишда расмий таълим ва юзаси муносабатга йўл қўйиш ҳолатлари кузатилгани танқид қилинди.

Семинарда келгусида бундай хато ҳамда камчиликларга барҳам бериб, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарлари ҳисоботларини эшитишда қўшимча равишда нимага эътибор қаратиш зарурлиги юзасидан тақлиф ва тавсиялар берилди.

ҚОНУНЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитасининг бўлиб ўтган мажлисида навбатдаги ялпи мажлис кун тартибига киритилиши режалаштирилган фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга оид бир қатор қонунлар дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Хусусан, “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кредит соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун муҳокамасида амалиётга жисмоний шахслар билан кредит битимларини тузишга тақиқ белгилаш ва уни олиб ташлашга бўлган ҳуқуқлар, уларни кредит битими тузиш тақиқланган шахслар реестрига киритишнинг тартиби ва шартлари, кредит ахборотидан фойдаланувчиларнинг белгиланган тақиқни бузган ҳолда кредит битими

тузгани учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

“Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун эса тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ва бизнесни молиялаштиришнинг самарали воситаларини жорий қилиш, факторинг бўйича замонавий қонунчилик базасини яратиш,

факторинг операцияларини ривожлантириш ва табиқ эйтишга хизмат қилиши таъкидланди.

Бундан ташқари, мажлисда “Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши, шунингдек, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик ва валютани тартибга солиш либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар ҳам дастлабки тарзда муҳокама этилди.

Мажлис якунида қўрилган масалалар юзасидан кўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

БУЮК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ



Сиёсий танглик, иқтисодий буюқлар ва технология инқилоб эса жамиятни мисли кўрилмаган тезликда ўзгартирмоқда. Бундай шароитда ўз тарихий илдишларини билиш ва унинг асосида ривожланган, маърифатли жамиятни, барқарор давлатни қуриш ўта муҳим. Зотан, хотира ўзгаришлар силсиласида йўқолиб кетишга йўл қўймайдиган маёқдир.

Халқ ўз ўтмишини қадрласа, у келгуси авлодларга нафақат билимларини қолдиради, балки ўзларидан кўра йирикроқ тарихий меросга эгалик ҳиссини шакллантиради.

Шу маънода Хитойни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. У айни замонда жуда тез суръатда ривожланаётганига қарамай Конфуций фалсафаси билан чуқур боғлиқлики, оилага ва аждодларга ҳурмат руҳини сақлаб келмоқда. Ё бўлмаса Ирландияни олайлик. У ерда XX асрда “келтирлар мероси” қайта тиклана бошлади, бу эса — миллий ўзлиқни мустақамлашга ёрдам берди ва шундай қилиб, иқтисодий мўъжиза учун пойдевор яратди. Икки асрдан кўпроқ давр мобайнида Европадаги энг камбағал жуда хисобланган давлат 1990 йилларда деб тиз ривожланиш суръатини намойиш этди ва 2020 йилларга келиб аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми бўйича Буюк Британия ва Германияни анча ортда қолдирди.

Ўзбекистон халқи, образли қилиб айтганда, буюк аждодларининг руҳи билан кучли. Шундай экан, ўзининг қимлигини билиш ва ёдда тутиш қанчалик муҳим бўлса, дунёда юз бераётган ҳар хил тарихий бўҳронларда, ахборот ва ўзгаришлар оқимида осонгина йўқолиб кетмаслик, ўзини сақлаб қолиш ҳам шунчалик зарур. Бунда миллий бирхиллик мамлакат фуқаролари учун муҳим таянч ва суянч, куч ва барқарорлик гарови бўлади.

Кейинги йилларда ўзбекистонликлар ўзини ягона халқ деб англаши мустақамланди. Бун қуйидаги ҳолатларда қўриш мумкин: юртдошларимизнинг фан соҳасида ёки спортда эришган ютуқларига ҳамма — қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар, бирдек қувонади, мамлакатимиз ёки ватандошларимизга нисбатан айтилган адолатсиз иғволардан хафа бўлади, шунингдек, минтақамиз ва дунёдаги вазият бўйича бир хилда қайғурилади. Янги авлодни ҳам шу руҳда тарбиялаймиз. Шундай қилиб, янги тарихни ва келажакни

яратмоқдамиз, бу келажак буюқ ўтмишимизга муносибдир.

Билим — ҳаётий маслак

Кўп асрлик тарихга эга давлатимиз бой илмий ва маънавий меросни кўз қорачиқдек асрайди, буюк аждодларимизнинг билими ва тажрибасидан ўз тараққиёти йўлида фойдаланади. Юртимиз келажакни биз таълимда, фан ва маърифатда кўрамиз.

Айнан шунинг учун ҳам Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзининг Ренессанс яратиш ҳақидаги ташаббуси халқимиз томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди, миллий ғоя даражасига кўтарилди. Бу ғоя ватандошларимизнинг энг эзгу орзусини аниқ ва тўлиқ акс эттирди — орзуки, у жаҳонда тенглар ичра тенг ва кучли бўлиш, эркин яшаш, фан ва таълимда, маърифатда, ижтимоий-сиёсий, маънавий ва маданий тараққиётда юксак кўрсаткичларга эришишдан иборат.

Кейинги йилларда амалга оширилган тўб ўзгаришлар бу орзуга эришиш мумкинлигини юрсатди. Тарихий далиллар ва халқимизнинг анъаналари, унинг яратувчанлик салоҳияти келажакка илдам қадам ташлаш учун, жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча йўналишларида навбатдаги Ренессансга эришиш учун ҳал этувчи омиллар бўлиб хизмат қилимоқда.

Халқимиз тарихида иккита Уйғониш даври бўлган. Биринчиси IX — XII асрлардаги маърифий Ренессанс бўлса, иккинчиси — XIV-XV асрлардаги теъмурийлар Ренессанси.

IX — XII асрларда ҳозирги Ўзбекистоннинг ҳудуди таълим ва илмий анъаналарнинг тикланиш ўчоғига айланган бўлиб, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Фарғоний сингари қомусий олимлар, таъбир жоиз бўлса, оламшумул илмий инқилоб яратдиларки, у дунё тамаддунининг кейинги ривожини таъминлади. Биринчи Ренессанс даврида юртимизда аниқ фанлар, табиий, фалсафий ва диний илмлар жадал ривожланди. Буюк олимлар тадқиқотлар ва ҳисоб-қитоблар олиб боришди, кўп жылдли асарлар ёзишди, бу билан эса бутун инсониятнинг фан ва маданиятини тараққий эттиришга муносиб ҳисса қўшишди.

Машҳур математик, астроном ва гео-

граф Мухаммад Хоразмийнинг ўрта асрлар фанига қўшган улкан ҳиссаси туфайли бутун дунё ўнлик санок тизими ҳақида тасаввурга эга бўлди, “алгебра” ва “алгоритм” атамалари ҳам олимнинг исми ва илмий китобининг номидан келиб чиққан.

Яна бир буюқ аждодимиз Абу Али ибн Сино замонавий тиб илмининг асосчиси сифатида дунёга машҳур бўлди. Унинг 29 соҳага тегишли 450 та илмий асари ҳозиргача юқори даражада қадрланади.

Қомусий олим Абу Райхон Беруний математика, астрономия, физика, ботаника, география, геология, минералогия, этнография, тарих ва хронология, шунингдек, фаннинг бошқа соҳаларига оид қўллаб асарлар яратдики, инсоният улардан юзйилликлар давомида фойдаланиб келмоқда.

Буюк астроном Аҳмад ал-Фарғоний ёки Оврупода айтишганидек, Альфаргануснинг илмий мероси бутун дунёда юксак қадрланади. Бу асарлардан бир неча аср давомида дарслик сифатида фойдаланилган. Хусусан, олим Ер сайёрасининг шар шаклида эканини исботлади, Қуёшда доғлар мавжудлигини аниқлади. Унинг иختироси билан Нил дарёсининг сув сатҳини ўлчовчи асбобдан мутахассислар ҳанузгача фойдаланиб келишади.

XIV асрдан XV асргача давом этган иккинчи Ренессанснинг асосчиси Амир Теъмур бўлиб, у тарихдаги буюк империялардан бирини тузган шахс сифатида ном қозонган. Унинг ҳукмронлиги даврида Самарқанд ва бошқа шаҳарларда гўзаллиги ва мукаммаллиги билан тақдорланмас бўлган бинолар барпо этилди, шунингдек, қонунлар мажмуаси ишлаб чиқилди, иқтисодий, савдо-сотик, фан ва маданият ривожланди. Теъмурийлар даврида санъат, ҳунармандчилик, меъморчилик, шеърят ва дунёвий фанлар тараққий топди. Самарқанд дунёнинг энг йирик илмий марказларидан бирига айланди.

Буюк ижтимоий-сиёсий ва ижодий арбоблар сулоласи кейинроқ XIX ва XX аср чегарасида шаклланди. Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Файзулла Ҳужаев, Исҳоқхон Ибрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Қўлпон ва бошқа маърифатпарвар олимлар жадидлар ҳаракатига асос солиб, Марказий Осиёнинг жадал тараққиётга улкан ҳисса қўшди. Илғор маърифатпарварларнинг ҳақиқий вакиллари бўлгани ҳолда улар миллий ўзлиқни тик-

лаш, Туркистон халқининг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, унинг тарихий ва маънавий қадриятларини асраш ғояларини дадил илгари сурди. Жадидлар туркистонликларни озодлик ва мустақиллик тантанаси учун, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш ва давлатчиликни тузиш учун курашда бирлаштирди. Улар фаолият юритган давр олимлар томонидан Марказий Осиёда миллий ўзлиқни ва ақлий тафаккурни тиклаш даври, дея тан олинган.

Давлатимиз раҳбари бир неча бор таъкидлашча, бизнинг аждодларимиз бўлиши ҳақидаги ХХ асрдаёқ учинчи Ренессанс аналга оширишга қодир бўлганлар. Улар “Наҳот учун билимдан бошқа йўл йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас”, деган ҳикматли сўзларни ўз ҳаётини ақидаларига айлантирган.

Президентимизнинг яқинда чиқарган қарори Махмудхўжа Бехбудийнинг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида эканлиги — нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам тан олинган буюк маърифатпарварнинг хизматлари эътирофидир.

Ўзбекистон раҳбарининг қарорига муносабат билдирар экан, Саудия Арабистонида чиқадиган “Al Napi” газетасида шундай ёзилади: “Махмудхўжа Бехбудийнинг ҳаёти ва фаолияти замонавий дунё учун қимматли сабаб беради. У таълим, ўз маданияти билан фарғаниш ва конструктив ислохотларга уруғ берар экан, замонавий муаммоларни ҳал этишда билим ва бирдамлик катта кучга эга эканлигини ҳаммамизга ёслатади. Унинг таваллуғида 150 йил тўлиши нишонланар экан, биз нафақат миллий ҳақрамонни, балки ўз ғоялари билан тараққиёт йўлини ёритишни давом эттираётган глобал новаторни оқийлаймиз”.

Президент Шавкат Мирзиёев алоҳида эътироф этганидек, буюк аждодларимиз қолдирган бетакорр ва ноёб илмий-маънавий мерос бизнинг хатти-ҳаракатларимизда доимий дастуриламал бўлиши лозим. Биз ушбу ўлмас бойликни авайлашимиз, ундан қуч-қувват ва илҳом олишимиз керак. Ва ушбу ғояларга мувофиқ ҳолда, аввало, миллий таълим тизимини ривожлантиришимиз лозим.

Иқтисодий «йўлбарс»нинг истикболлари

Ўз олдига барча соҳа ва тармоқларни модернизация қилиш бўйича катта мақсадлар қўйган давлат учун энг муҳим нарса нима? Ёш авлоднинг билимли бўлиши, тафаккури ва тарбияси. Шундай экан, янги Ўзбекистонда ёшлар масаласи ижтимоий сиёсатнинг энг устувор йўналиши этиб белгиланган. Кейинги йилларда қабул қилинган юздан ортқ қонун ва қарорлар ҳам ёш авлоднинг манфаатларига йўналтирилган.

Хусусан, ёшларнинг сифатли таълим олиши, уларнинг касбий тайёргарлиги, шунингдек, фан ва инновациялар, ахборот-коммуникация технологиялари каби юқори истиқболли соҳалардаги ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор қучайтирилди. Биргина таълим кредити олиш имкониятидан 151 минг нафар талаба фойдаланди, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган 110 минг нафар талабага шартнома маблағи тўлаб берилди. Ўтган йили 310 минг нафар ёш талабаликка қабул қилинган бўлса, улар-

нинг деярли ярми қизлар. 110 минг нафар ёш ўзбекистонлик хорижда таълим олмақда.

Давлатимиз ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожланиши учун катта маблағлар сарфлайди. Етти йилда таълим тизимини такомиллаштириш учун 216 триллион сўм маблағ ажратилди. Моддий-техника базасини мустақамлаш учун бюджетдан 19,5 триллион сўм йўналтирилди. Бу эса 6 мингта давлат мактаби ва 3,5 мингта болалар бoғчасини реконструкция қилиш ва қуриш имконини берди. Мактабларда 800 мингта, бoғчаларда 535 мингта қўшимча ўрин яратилди.

Таълимнинг ҳусусий сектори учун кенг имкониятлар яратилиши туфайли ҳусусий мактаблар сони 27 тадан 500 тагача, нодавлат болалар бoғчалари сони эса 250 тадан 30 мингтагача кўпайди.

Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, аҳоли сони ортиши билан мактабларда ҳар йили 120 мингта, бoғчаларда эса 30 мингта қўшимча ўринга эҳтиёж юзгача келади. Жорий йилда бюджет маблағлари ҳисобидан 375 та мактаб ва 97 та болалар бoғчаси реконструкция қилинади ва қурилади.

Ҳусусий секторда қўвучи ўринларини қўпайтириш учун 2025 йилдан бошлаб мактаб очмоқчи бўлган тадбиркорларга кредитлар тақдим этилади. Бунда кредит фoиз ставкаларининг бир қисми бюджетдан қоланади, янги ҳусусий мактаб қуриш учун коммунал харажатларнинг 50 фoизи эса беш йил муддатгача бюджет ҳисобидан компенсация қилинади. Уларга, шунингдек, солиқ енгилликлари берилди.

Шахсининг тарбияси ва ривожланиши асослари болалиқдан бошлангани учун давлатимиз мактабгача таълим тизимининг ривожланишига амалий қамҳўрлик қўсатди. Кейинги етти йилда мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фoиздан 74,6 фoизгача ортди. Янги истиқболда ушбу кўрсаткични 80 фoизга етказиш кўзда тутилган.

Мактаб таълимининг ҳар томонлама ривожлантириш мамлакатимизда умуммиллий ҳаракатга айланди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида таълим соҳаси ҳам бирламчи вазифалар қаторида белгиланган. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Таълим сифатини яхшилаш, ўқитувчи-педагог касбининг нуфузини кўтариш, ҳуқуқий, ижтимоий ва молиявий ҳимоясини таъминлаш мақсадида янги тахрирдиги Конституцияда ўқитувчи алоҳида мақомга эга экани

белгиланди. “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Яқинда, январь ойида бўлиб ўтган олий таълим ва илм-фан соҳасидаги устувор вазифаларга оид тақдиротда Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз тараққиётининг таянчи сифатида бу йўналишларга катта эътибор қаратилаётганини айтиб ўтди. Янги олийгоҳлар очилиб, қамров анча кенгайди. Таълим жараёнлари сифат жиҳатдан яхшиланди. Республикада олий таълим муассасаларининг сони 77 тадан 211 тагача кўпайди, олий таълим билан қамраб олиш даражаси эса 9 фoиздан 42 фoизгача ортди.

Бундан ташқари, бакалаврият йўналишлари мақбуллаштирилди, 1,2 мингдан ортқ таълим дастурлари хорижий андозаларга мослаштирилди.

Битирувчиларга қўйиладиган малака талаблари тўлиқ янгиланди, олий таълим тизимида қайта тикланувчи энергия манбалари, атроф-муҳит муҳандислиги, биотизимлар муҳандислиги каби замонавий йўналишлар очилди.

Бу йил яна мингдан ортқ таълим дастурлари “ТОП — 300” университет дастурлари асосида такомиллаштирилди. 45 та таълим дастури халқаро аккредитациядан ўтказилди. Талабалар “Регистратор офиси” хизматлари билан тўлиқ қамраб олинди. Дуал таълимга яна 50 минг талаба жалб қилинади.

Олий таълимда илмий салоҳиятни 55 фoизга қичариш, хорижда 5 минг нафар педагог малакасини ошириш режалаштирилган. Шунингдек, илғор муҳандислик мактабларини 25 тага етказиб, саноат корхоналари билан лоийҳалар қийматини 10 баробар ошириш мақсад қилинган.

Ёшларнинг билим ва қўникмаларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар янада яхшиланди. Мамлакатимизни жадал ривожлантириш мақсадида ёшларни “тўртинчи саноат инқилоби” касблари бўйича тайёрлаш даражасини кўтариш мўлжалланган. Йигит-қизларини катта даромад келтирувчи касбларга ўргатиш, юқори қўшимча қийматга эга лойиҳалар сонини қўпайтиришга эътибор қучайтирилмоқда. Жумладан, олий таълимнинг биринчи ва иккинчи курсларидаги фанлар техникумлар билан интеграция қилинади. Техникумни яхши баҳолар билан тугатган битирувчиларга халқаро классификаторга мос келувчи дипломлар топширилади. Қувонарлиси, уларга ўқинишни олий таълим муассасасининг иккинчи ё ўчинчи курсида тўлов-шартнома асосида давом



Маъмурий суд иш юритувида дастлабки эшитув институти жорий этилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ВА МУТАСАДДИЛАР МУЛОҚОТИ



Энергетика вазири Ж. Мирзамаҳмудов мамлакатимизда электр энергетикасини 2025 — 2035 йилларда ривожлантириш чора-тадбирлари, жумладан, янги электр станциялари ва энергия саклаш қувватлари барпо этиш, тармоқда йўқотишларни камайтириш, соҳада рақамлаштирилган бошқарувни жорий қилиш, электр энергиясининг тананрихни пасайтириш, бунинг омили сифатида муқобил манбаларни қўлайитириш каби кун тартибидagi муҳим вазифалар ҳақида тақдимот материаллари асосида батафсил тушунтиришлар берди.

Вазирнинг маълум қилишича, бугунги кунда истеъмолчиларни барқарор энергия билан таъминлаш вазифасини бажаришда, аввало, генерация манбалари, йирик қайта тикланувчи ва ростловчи қувватларни жорий этиш, электр энергияси ва табиий газ истеъмолидаги самарадорлик, ҳар бир тармоқ kesимida энергияни 10 — 15 фоиз иқтисод қилиш, 2030 йилда электр энергияси йўқотишларини ҳозирги 14 фоиздан 8-9 фоизгача тушириш режалари катта аҳамиятга эга.

Истиқболда бинолар учун “тоза энергия”, энергия самарадор уйлار, электромобиллардан фойдаланиш инфратўлиқмасини ривожлантириш йўналишларида қатор янги лойиҳалар амалга оширилади. Айнан шунинг учун ҳам мазкур йўналишдаги вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ва депутатлик корпуси билан ҳамкорлик муҳим экани қайд этилиб, семинар бу мақсад йўлида қўлай платформа бўлганига ургу берилди.

“Энергоинспекция” бошлиғи И. Неъматуллаев кейинги йилларда соҳада самарадорлик ва тежамкорликка эришишда, энергия ресурслари талон-тороқ этилишининг олдини олишда парламент томонидан қабул қилинаётган қонунлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини

Қуни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ташаббуси билан энергия соҳасини ривожлантириш ва муқобил энергия ресурсларини жорий этиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Семинарда Энергетика ҳамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирликлари мутасаддилари соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумотлар берди.

алоҳида таъкидлади. Хусусан, 2024 йилда энергетика ресурсларидан ноконуний фойдаланиш билан боғлиқ бўлган 1,4 трлн. сўмлик 8 мингдан ортиқ ҳолатлар аниқлангани айтиб ўтилди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиғи мутасаддилари “яшил” энергетикани ривожлантириш борасида сўз юритиб, ҳозирги кунда бу йўналишда депутатлар, олимлар, мутахассислар ва экспертлар билан қатор лойиҳалар устида иш олиб борилаётганини маълум қилди. Жумладан, 2024 йилда 752 МВтлик шамол, 2 763 МВтлик қуёш электр станциялари ва 1 782 МВтлик энергия саклаш тизимларининг қурилаётгани, бунинг натижасида 4,8 млн. тонна зарарли газларнинг атмосферарага чиқишининг олди олинаётгани эътироф этилди.

Қизгин муҳокама ва савол-жавобларга бой бўлган семинарда депутатлар энергетика соҳасини ислоҳ қилиш, ресурсларни тежаш, “яшил” энергияни кенг жорий этиш борасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлашларини билдирди. Бу борада ҳар иккала вазирлик билан доимий мулоқотлар уюштирилиши, янги лойиҳаларни фракциялар ва қўмиталар kesимida мунтазам муҳокама қилиш, аҳоли ва сайловчиларга “яшил” энергетикани ривожлантириш ҳамда энергия самарадорлиғига эришишнинг зарурати ва аҳамиятини кенг тушунтириб бериш, пировард натижада мамлакатимизда муқобил энергия манбалари кенг жорий этилишига эришиш ҳамда аҳоли ва иқтисодиётнинг энергияга бўлган талабини узлуксиз таъминлаш устувор мақсад эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ва маъсул қўмиталарга соҳада амалга оширилаётган ислохотларни кенг жамоатчиликка етказиш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

Депутатлар — ҳудудларда

ХАЛҚЧИЛЛИК ТАМОЙИЛИ ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ ИШИДА УСТУВОР АҲАМИЯТГА ЭГА

Бугун сайловчилар депутат олдига эмас, депутат ўз сайловчилари ҳузурига бориши шарт, деган халқчил тамойил парламент аъзолари ишида устуворлик касб этмоқда. Депутатларнинг сайлов округларида олиб борган ишлари парламентнинг қонун ижодкорлиғи фаолияти ҳамда муҳим ижтимоий-сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнида ташаббусларнинг энг қуйидан, халқдан чиқишида амалий кўприк вазифасини ўтапти. Шу нуқтаи назардан айтганда, айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг аҳоли билан учрашувлари қизгин ва самимий ўтмоқда.

Банк хизматлари ҳақида тушунчалар берилди

Қосон туманидаги 3-қасб-ҳўнар мактабида ЎзХДП фракцияси аъзоси, Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси Шарофиддин Назаровнинг “Тудина”, “Қорабайир” ҳамда “Мудин” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида яшовчи сайловчилар билан учрашуви қизгин ўтди.

Мулоқот чоғида депутат томонидан партия фракцияси ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилган ҳамда қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти сайловчиларга тушунтирилди.

Туманинг 18-умумтаълим мактабида “Юксалиш”, “Этак”, “Айрончи” маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи сайловчилар билан ўтказилган учрашув ҳам самарали бўлди.

Депутат сўнги вақтларда қабул қилинган қонунлар, уларнинг халқчиликлиги, ижтимоий даражаси тўғрисида тушунтириш берди. Давлат бюджетининг 52 фоиз таълим ва тиббиётга ажратилаётгани, маҳаллаларда аҳолига хизмат кўрсатувчи банкир штатлари жорий этилаётганига алоҳида тўхталиб, унинг аҳамиятини жиҳатлари ҳақида сўз юритди.

Шунингдек, фуқароларимизга яратилаётган қўшима банк хизматлари, ипотека кредитлари асосидаги уй-жой, сурғат тизими жорий қилинаётгани, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида кам таъминланган оилаларга

яратилаётган имтиёзлар ҳақида маълумот берилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, шу орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, реал даромадини ошириш ва бандлигини таъминлаш бўйича ҳам зарур тавсиялар айтиб ўтилди.

Ташаббусдан аҳоли мамнун

Қонунчилик палатаси депутати Барно Бердиеваннинг Урган шаҳрида сайловчилар билан ўтказган мулоқотлари сермазмун кечди.

Даставвал, вилоят ва туманлардаги маҳаллий Кенгаш депутатлари билан учрашувларда жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда муҳим қонунлар ва қарорларни қабул қилишда ҳамкорлиқни қўлайитириш лозимлиги таъкидланди.

Туман Кенгашилари депутатлари ҳудудлардаги айрим масалаларга халқ вакили эътиборини қаратди. Баъзи жойларда аҳолининг асосли эътирозига сабаб бўлаётган — инфратўлиқларни яхшилаш, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига инновацияларни ёндоқлашнинг татбиқ этиш, тадбиркорлиқни ривожлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўмак бериш каби йўналишларни янада такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама этилди.

“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг Хоразм вилояти бошқармаси Хонка филиалида ўтказилган учрашувда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда маҳаллий даражадаги масалаларни инобат

га олиш ҳамда ҳудудий ривожланиш учун зарур чора-тадбирларни қўриш масалалари муҳокама марказида бўлди. “Инсон ҳаёти — бебаҳо неъмат, у барча нарсадан устун” тамойили асосидаги “Ороҳ бўлинг — ис гази” акцияси доирасидаги навбатдаги тадбир Хонка туманидаги Гулгуна ҳамда Пахтагул маҳаллаларида бўлиб ўтди.

Депутат тегишли мутахассислар билан бирга аҳоли хонадонларида бўлиб, истиш тизимларини мунтазам текшириш ва таъмирлаб бориш, хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш бўйича қатор тавсияларни берди. Шунингдек, кам таъминланган, ижтимоий кўмакка муҳтож оила хонадонларига ЎзЛиДеП ташаббуси ҳамда бегараз кўмағи билан исгазিনি аниқлайдиган ускуналар ўрнатиб берилди. Ис гази чиққанда оғохлантирувчи ускуналарни ўрнатиш, ушбу ускунанинг афзалликлари, ундан фойдаланиш қоидалари ҳам тушунтириб ўтилди.

Мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлаган аҳоли хавфсизлиқни таъминлаш имконияти янада ошганлигини мамнунлигини билдирди.

Мавжуд муаммоларга амалий ечим

Депутат Одинахон Отахонованинг Андижон вилояти, Шахрихон туманида сайловчилар, ёшлар, хотин-қизлар билан юзма-юз учрашувлари амалий натижаларга бой бўлмоқда.

Халқ вакили ижтимоий соҳа объеклари, жумладан, таълим, тиббиёт муассасалари фаолияти билан ақидан танишиди, у ерда ёшларнинг сифатли таълим олиши, фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиши учун яратилган қўлайликларни кўздан кечирди.

Шунингдек, у Шахрихон туманидаги “Полосон” МФЙда уйма-уй юриб аҳолининг яшаш шaroитлари билан танишиди, уларни ўйлантириб келаётган муаммоларни ўрганди.

«Халқ сўзи».

ХАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

этириш имконияти берилади. Етарлича касбий тайёргарлик ва икки йиллик иш стажы бўлган ёшлар олиғоҳларга тўлов-шартнома асосида корхоналар тавсиясига кура қабул қилинади.

Кўриниб турганидек, Ўзбекистоннинг жадал ривожланиши янги индустриал давр шарoитида ишлашга қодир юкори малакали мутахассислар тайёрлашни талаб қилмоқда. Бу даврда, шубҳасиз, мамлакатимиз олдида янги истикбоилар очилди. Улар ҳақида фикр билдирган “Berliner Telegraph” журналининг сиёсий шарҳловчиси Грегор Шпигтцен шундай деб ёзди:

— Ўзбекистон Марказий Осиёнинг иқтисодий “йўлбарси” сифатида кейинги

ришга ўтишни таъминлашга қодир мутахассислар ўқитиладиган “тўрттинчи саноат инқилоби” касбларини тайёрлаш марказлари ташкил этилмоқда. Ҳудудлардаги саноат зоналарида бинолар қурилиб, улар юкори қиймат яратадиган лойиҳалар учун ёшларга “саноат ипотекаси” асосида 7 йилда бўлиб тўлаш шарты билан бериладиган бўлди. Бунда биринчи йили тўлов ундирилмайди.

Бундан ташқари, ҳар бир вилоятда “Креатив саноат парклари” ташкил қилиниб, уларга IT-парк резидентлари учун назарда тутилган имтиёзлар берилади. Бу жойлар ёш тадбиркорлар, илм ва бизнес ўртасида мулоқот майдончаси бўлади. Ёшлар-

ташаббуси илгари сурилди. Дуал таълимнинг немис моделини Ўзбекистон ҳудудларида кенг жорий этишга қизиқиш билдирилди.

Айни пайтда Германияда уч юзга яқин ҳамюртларимиз тиббиёт соҳасида меҳнат қилмоқда. Ўзбекистонлик тингловчиларнинг янги гуруҳлари учун Германия таълим стандарти асосида тренинглр олиб борилади. Яқин келажақда Германия тиббиёт академиясини ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, у ерда Ўзбекистондан мутахассислар учун мақсадли ишга танлов эълон қилинади. Бундан ташқари, “Аскания Фьючер ГмбХ” рекрутинг компанияси ўзбек ёшлари вакилларины меҳмонхона ва гастрономия соҳаларига ишга жойлаштириш учун танловни амалга оширяпти. Компания менежери Инго Юнгнинг сўзларига кура, компания 2025 йилда Германияга 1000 нафаргача ўзбекистонлик ёшларни жўнатишни режалаштирган. Шунингдек, Ўзбекистонда немис тили курслари сони ва сифатига эътибор қўнайтирилади, маҳаллий ўқитувчиларнинг Германияда малакаси оширилади.

Яқинда мамлакатимизга ташрифи чоғида “Hyundai” автомобилъ корпорацияси ва йирик саноат шахри Уланс эърияси вакилларидан иборат Жаңубий Корея делегацияси аъзолари ўз режалари билан ўртоқлашди. Шаҳар ҳокими ўринбосари Сон Ён Жуннинг сўзларига кура, дастлабки даврда Ўзбекистондан 350 нафар ишчи жалб этилиши режалаштирилган. Корпорация жорий йилда мамлакатимизда илгор технологиялар ва Корея стандартлари асосида профессионал таълим олиб бориладиган Касб ўқув марказини очиш ниятида.

— Ўзбекистонлик ёшларнинг меҳнат-сеаварлиғи, янгилчиликнинг тез ўзлаштириши, бошқалар билан тил топишиш қобилиятининг юкорилиғи бизни Ўзбекистондан ишчилар жалб қилишга ундаётган омилирдан бири, — дейди Жаңубий Кореянинг “Hyundai Heavy Industries” кemasozлик компанияси вице-президенти Ким Сон Хун.

Польша компаниялари ҳам Ўзбекистондан келган ишчиларга тобора кўпроқ эътибор қарата бошлаган. “Бу ҳодимлар ўзининг юкори мотивацияси, интизоми, қаноатлилиғи ва интилувчанлиғи учун кадрлардан, бу уларга кадрлар бўлиши самарали равишда тўлдириш ва поляк корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради”, деб ёзди Польшанинг ҳафталик “Dziennik Wschodni” (“Шарқий журнал”) журнали муҳбири.

Ёшлар касбий ривожланиши ва мартаба ўсиши йўлларины белгилашда катта танловга эга. Агар илгари ишсизликдан чиқишнинг ягона йўли сифатида ашаддий камситиладиган ва бошқа турдаги қийинчиликларга осонлиқча дуч келадиган мамлакатларда ишлашга тўғри келган бўлса, ҳозир меҳнат миграцияси соҳасидаги вазият тубдан ўзгармоқда. Ривожланган мамлакатларда ишга қабул қилиш жараёни қонунийлаштирилмоқда, хорижадаги меҳнат муҳожирларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя этилмоқда, Европа Иттифоқи ва МДХ мамлакатларида ишчиларни авваллидек тартибсиз эмас, расмий ишга жойлаштириш тизими жорий қилинмоқда, ушбу тизим меҳнатхалқаримиз кадрланадиган Осиё давлатларида ҳам самарали йўлга қўйилмоқда.

Қалбда Ватан туйғуси билан яшаш

Яқинда Жаҳон иқтисодий форумининг глобал хавфларга оид навбатдаги ҳисоботи нашр этилди. Ҳисоботда глобал муҳит парчаланиши тобора авж олаётгани алоҳида таъкидланган. Унга кура, барқарорлик ва тараққиётга таҳдид солаётган омиллар орасида геосиёсий, экологик, ижтимоий ва технологик муаммолар етакчилик қилмоқда. Технологик хавфлар алоҳида тоифани ташкил этади, улар орасида нотўғри маълумотлар, дезинформация ва сунъий интеллект технологияларини қўллашнинг салбий оқибатлари санаб ўтилган. Сўнгги йилларда экологик хавфлар, жумладан, экстремал об-ҳаво ҳодисалари, биохиммаҳилликнинг йўқолиши ва экотизимларнинг бузилиши, табиий ресурсларнинг етишмаслиғи каби ҳолатларнинг устуворлик қилаётгани аниқланган.

Шу муносабат билан Жаҳон иқтисодий форумининг глобал хавфлар ташаббуси раҳбари Марк Элнснер дунё учун ишонччи тиклаш ва ҳамкорлиқни ривожлантириш йўлида янги сай-ҳаракатлар зарурлигини таъкидлади, акс ҳолда, ҳаракатсизлик оқибатлари бир неча авлод тақдирига таъсир ўтказиши мумкин.

Шуни айтиш керакки, ушбу ва бошқа қўллаб долзарб муаммоларни маҳаллий даражада ҳал қилишга йўналтирилган сай-ҳаракатлар Ўзбекистон томонидан 2025 йилга мўлжалланган давлат дастури лойиҳасида тўлиқ акс этган. Жорий йилнинг Ўзбекистонда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”, деб эълон қилингани ҳам беҳиз эмас.

Унда белгиланган чора-тадбирлар қуйидаги асосий йўналишларда жамланган: экология йўналишида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сув ресурсларини тежа ш чоралари кўзда тутилди; таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимояни назарда тутуви, шунингдек, мамлакат келажагини таъминлаш, яъни ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат доимий ривожланишни мақсад қилган ижтимоий сиёсат; барқарор ўсиш ҳисобига аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган “яшил” иқтисодиёт; қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматиға йўналтирилган бошқарув тизимини такомиллаштиришга асосланган давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ соҳаси; тақши сиёсат ва хавфсизлик, халқаро микёсда тинчликпарвар сиёсат тамойилларини амалга ошириш ва мамлакат хавфсизлигини таъминлаш.

Мазкур устувор йўналишларнинг ҳар бири, аввало, давлатнинг ўз фуқаролари ҳақида амалий ғўйналишда атроф-муҳитни назарда тутди, жумладан, глобал хавф-ҳатрлар ва таҳдидлар шароитида давлатнинг бардавдом ва изчил ривожланиш асосларини мустаҳкамлаш, экологик жиҳатдан қулай ва фаровон муҳит яратиш, инсон салохиятини рўёбга қикариш имкониятларини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни қафолатлаш, халқаро ҳамкорлиқни қўлайитириш.

Ва, албатта, давлат дастури лойиҳасида ёшларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилгани алоҳида эътирофга лойик. Ҳужжатнинг бутун бир бўлимида ҳар бир шахсининг ўз салохиятини рўёбга қикариши учун муносиб шароитлар яратиш кўзда тутилган, таълим соҳасини янада ривожлантириш борасидаги устувор вазифа-



лар белгилаб берилган, бу мактабгача таълим босқичидан бошлаб амалга оширилади. Мактабгача таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш ва болаларни тўлиқ қамраб олиш мақсади белгиланган. Умумий ўрта таълим тизимида “Таълим учун қулай муҳит” дастурини амалга ошириш, уйда таҳсил олаётган талабалар учун қўлайликлар яратиш ва “Рақамли кутубхона” тизимининг самарадорлигини ошириш режалаштирилган. Узоқ ва олис ҳудудларда жойлашган мактаб ўқувчиларнинг автотубсида бепул қатновини ташкил қилиш, мактабларни асосий спорт анжомлари ва миллий мусиқа асбоблари билан таъминлаш, таълим жараёнида иштирок этувчилар учун психологик қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чораларини қўриш режалаштирилган.

Умумий ўрта таълим тизимини янги босқичга қўтариш мақсадида билимларни баҳолашнинг янги тартиби жорий қилинадиган мактаблар сонини ошириш кўзда тутилмоқда. Ўрта мактаб ўқувчиларида мулоқот қилиш қўникмалари, танқидий ва ижодий фикрлаш қобилиятлари, жамоада ишлаш ва тадқиқотлар олиб бориш маҳоратини ривожлантириш назарда тутилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун чет эллик мутахассислар жалб этилади.

Ўқитувчиларнинг мавқеини ошириш, уларнинг билимлари ва малакаларини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида давлат грантлари асосида мактабдан ташқари таълим ташкилотларининг услубчиларини ривожланган хорижий мамлакатларга юбориш мўлжалланмоқда. Бунга қўшимча равишда умумий ўрта таълим тизимида нодавлат ташкилотларнинг фаолияти кенгайтирилади ва хусусий сектор жалб қилиниши давом эттирилади.

Олий маълумотлилар даражасини ошириш мақсадида ёшларга олий ўқув юртларига кириш имкониятларини кенгайтириш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш режалаштирилган. Бунинг доирасида хорижадаги “ТОП — 500” рўйхатида кирган олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари яратилади.

Замонавий билимлар ва қўникмалар билан таъминлаш мақсадида қасб-ҳўнар таълими тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Улар доирасида қасб-ҳўнар таълими ташкилотларида малака тоифасига эга педагогик кадрлар салмоғи оширилади. 14 та техникумда халқаро таълим дастурлари асосида ўрта

Маълум бўлишича, маҳалла аҳолисини кўп йиллардан буюн электр таъминоти билан боғлиқ муаммолар қийнаб келмоқда. Хусусан, ҳудуддаги трансформатор, симёғочлар, ҳаво кабеллари яроқсиз ахволга келиб қолган.

Мулоқотлар давомида шу маҳаллада яшовчи бир гуруҳ фуқаролар ушбу масала бўйича тегишли жойларга бир неча маротаба мурожаат қилишгани, лекин ишлар бошланиб якунига етмаганини билдирди. Депутат бу масалани назоратига олиб, тегишли мутасаддилар билан биргаликда жойида ҳал этди. Энди маҳалладаги эски симёғочлар ўрнига 40 та янги бетон устувор ва 1 та трансформатор ўрнатилмадиган бўлди.

Кейинги манзил — Полосон маҳалласида жойлашган тиббиёт муассасаси бўлди. Шифокорлар билан ўтган мулоқот чоғида улар иситиш тизими масаласида ёрдам сўрашди. Халқ вакилининг сайй-ҳаракати билан бу мурожаат ҳам шу ернинг ўсида бартараф этилди.

Депутатнинг “Бекбача” МФЙдаги учрашувлари ҳам ҳар томонлама самарали бўлди. Учрашувда Ўзбекистон кўчасида яшовчи фуқаро А. Сайдалиевнинг мурожаати депутат кўмағи билан жойида ҳал бўлди.

Депутатнинг учрашувлари Бўстон туманида давом этди.

Туман ҳокимлиғи вакиллари, тегишли соҳа мутасаддилари иштирокида ташкил қилинган сайёр қабулда аҳолини ўйлантириб келаётган мурожаатлар тингланди ва уларнинг салмоқли қисми жойида бартараф этилди. Хусусан, “Бешарик” МФЙда яшовчи Дилноза Ҳусанованинг иш масаласидаги мурожаати шу ернинг ўсида ҳал қилиниб, у “Саховат” текстиль корхонасига ишга жойлаштирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудлардаги учрашувлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

■ Янги дарслик

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Академик Акмал Саидов томонидан тайёрланган “Янги Ўзбекистон Конституцияси” дарслик-хрестоматия китоби нашрдан чиқди. Муаллифнинг 2017 йилда чоп этилган “Ўзбекистон Конституцияси тарихи” китобининг манتيқий давоми бўлган бу дарслик мамлакатимиз замонавий конституциявий тараққиётининг энг муҳим босқичини қамраб олган.



Бош қомусимизни ишлаб чиқиш жараёнида Конституциявий комиссия раиси сифатида бой тажриба тўплаган Акмал Саидов дарсликда мамлакат тақдирини ва истиқболни учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган конституциявий ислохотлар жараёнини сиртдан эмас, балки уларнинг бевосита ташкилотчиларидан бири, гувоҳи ва иштирокчиси сифатида таҳлил этган.

Дарслик-хрестоматияда мамлакатимиз тараққиётининг бевосита узвий тарихий қисми бўлган конституциявий ислохот ғоясининг туғилиши, ривожланиши, амалга оширилиши ва натижалари ҳақида атрафлича сўз боради.

Муаллиф янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши заруратини мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва жараёнлар ҳамда жаҳон конституциявий ривожланишининг замонавий тенденциялари билан боғлаб тушунтирган. Асарда янги Ўзбекистон қиёфаси амалга оширилган конституциявий ислохотлар жараёни ва унинг мазмунини таҳлил этиш воситасида очиб берилган. Бунда мамлакатнинг стратегик ривожланишида конституциявий қурилишнинг аҳамияти, унинг амалга оширилиши жараёни ва натижалари таҳлил қилинади.

Китоб икки қисмга ажратилган: биринчи қисми янги Ўзбекистон Конституциясининг яратилиш тарихи, мазмунини, максадларига бағишланган бўлса, иккинчи қисми хрестоматиядан иборат бўлиб унда янги таҳрирдаги Бош қомусимиз қабул қилиниши жараёнига тааллуқли расмий ҳужжатлар, таҳлилий материаллар, методологик ғоялар ўз аксини топган.

Китобнинг биринчи қисми 11 та мавзунини ўз ичига олади. Ҳар бир мавзу чуқур илмий-таҳлилий фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда ёритилган бўлиб, уларда конституциявий ислохотнинг муҳим жиҳатлари батафсил очиб берилган.

Хусусан, дарсликда Ўзбекистон халқи — конституциявий ислохотнинг асосий ташаббускори, Президент Шавкат Мирзиёев янги Ўзбекистон Конституциясини концепцияси муаллифи эканлиги таъкидланган. Конституциявий ислохотнинг мақсади ва устувор йўналишлари, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги объектив зарурат муҳокама қилинган. Суд ҳокимиятининг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш, ихроия ҳокимият тизимини такомиллаштириш, Конституциявий суд,

Тошкент шаҳри туманлари, маҳаллалар фаолиятининг конституциявий асослари, Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий мақоми каби масалалар ёритилган.

Шунингдек, дарсликда янги таҳрирдаги Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан боғлиқ асосий жараёнлар ҳақида сўз боради. Хусусан, Конституциявий комиссиянинг ташкил этилиши, унинг асосий вазифалари ва таъминоти, илк натижалар таҳлил қилинган.

Муаллиф конституциявий ислохотнинг асосий мақсади инсон қадрини улуғлаш эканлигини таъкидлаб экан, “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат”, “Янги Ўзбекистон — ҳуқуқий давлат”, “Янги Ўзбекистон: адолатли фуқаролик жамияти сари” каби ғояларнинг илгари сурилши жараёнини баён қилади.

Дарсликда замонавий конституционализм соҳасида миллий ва хорижий тажриба, ижтимоий давлат фаолиятининг конституциявий асослари, мулк ҳуқуқлари, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақоми, “Инсон — жамият — давлат” тамойили, Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича халқаро жамоатчилик эҳти-тувлари, хотин-қизлар ва бола ҳуқуқлари, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг жаҳон конституцияларида мустаҳкамланиши масалалари ҳам чуқур тадқиқ этилган. Ўзбекистон Конституцияси тўғрисида хорижий ва халқаро экспертларнинг фикр-мулоҳазалари келтирилган.

Китобнинг иккинчи — хрестоматия қисмида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституция тўғрисидаги фикрлари, конституциявий ислохот жараёнлари тааллуқли расмий ҳужжатлар матнлари ҳамда бу жараёнларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига оид инфографика, чизма ва жадаллар тақдим этилган.

Шунингдек, бу қисмдан давлатимиз раҳбарининг янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституцияси қабул қилиниши ва амалга оширилиши жараёнларига тааллуқли нутқлари, янги таҳрирдаги Конституциянинг 2022 йил 25 июнь, 4 июль ҳамда 2023 йил 15 март кунлари умумхалқ муҳокамасига қўйилган матнлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари ва қўшма қарорлари, Президент Фармон, қарор ва фармойишлари, Марказий сайлов комиссияси, Конституциявий суд ва Олий суд қарорлари ўрин олган.

Китобда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши тарихини ўрганиш учун муҳим бўлган барча назарий ва фактологик маълумотлар ўз аксини топган. Дарслик матнидаги маълумотлар чизмалар воситасида тўлдирилган, ҳар бир мавзу бўйича хулосалар берилган. Дарслик-хрестоматия матнининг оддий ва равои тилда баён этилиши ўқувчига уни осонгина ўзлаштириш, са-волларига тўлақонли жавоб олиш имконини беради.

А. ҒАҒУРОВ,
юридик фанлар доктори,
Ҳ. ОЧИЛОВ,
юридик фанлар доктори.



Ўртада — “Хамса” асосчиси Низомий Ганжавий, ўнг томонида унга илк бор та-таббу қилган Амир Хусрав Дехлавий ва чап томонида пири Абдурахмон Жомий. Улардан кейин навбати билан икки томондан Абулқосим Фирдавсий, Унсурий, Саъдий Шерозий, Ҳаким Санойи, Ҳокимий Ширвоний, Анварий жой олган. Жомий билан Хусрав Алишер Навоийнинг икки қўлидан тутиб Шайх олдиға олиб боради. Низомий уни дуо қилиб, “Хамса”сига юқори баҳо беради.

Хўш, буюқ хамсанавислар сари эл-чилик ва йўлчилик қилган Ҳасан Дехлавий ким эди? Алишер Навоий унга нега бунчалик эҳтиром ва муҳаббат кўрсатган?

Ушбу ижодкор Ҳиндистондаги форсий адабиётнинг забардаст намояндаларидан бири эди. Улуғ мутафаккир Ҳасан Дехлавийни қатор асарларида моҳир сўз санъат-кори сифатида эътироф ва эҳтиром билан тилга олади.

XV аср адабий муҳитида Ҳасан Дехлавий девони низоҳатда машҳур бўлиб, илму адаб ахли унинг шеърларини севиб муту-лаа қилган. Шеърят кечаларида шоир шеърлари ўқилиб, муҳокама этилган, газаллари ҳушовоз хофизлар томонидан кўшиққа солиб ижро қилинган. Қалам ахли газалларига татаббулар, тахмислар бо-лаган. Жумладан, у Алишер Навоийнинг ҳам севган шоирларидан бири эди. “Девони Фоний”да бу моҳир салафининг уч газалига татаббу битгани фикримизнинг ёрқин далили.

Ҳасан Дехлавий Алишер Навоийнинг нафақат форсий, балки ўзбек тилида-ги ижодида ҳам кучли таъсир кўрсат-ган. Жумладан, Алишер Навоийнинг машҳур:

■ 9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

УЛУҒ ШОИР ИЖОДИ СУВ ИЧГАН ЧАШМА

Алишер Навоий “Садди Искандарий” асарининг хотима бобида ўзининг шахси ва ижодида ҳурмати ҳамда ихлоси низоҳатда баланд бўлган инсонлар ҳақида бир воқеани келтиради. Унда айтилишича, буюқ шоир “Хамса”ни тугатиб, Абдурахмон Жомийга олиб боради. Устози асарни варақлаб кўраб экан, таҳсин айтиб, дуо қилади ва елкасига қўлини қўяди. Шунда Алишер Навоийнинг ҳолатида ўзгариш бўлиб, кўз олдида Боғи Эрамнинг рашкани келтирадиган бир бог намоян бўлади. Унда барча буюқ маснавийнавислар саф тортиб турган бўлади. “Жамоли хушу хайъати дилкаш” Ҳасан Дехлавий улар сафидан ажралиб чиқиб, Алишер Навоийни Шарқ сўз санъатининг буюқ намояндалари сари бошлаб боради ва уларни бирма-бир таништиради.

Кўрсали хусунинги зору мубтало бўлдум санга,
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санга? —
байтини салафининг:

Мубтало гаштам мани бечора то дидам туро,
Эй балоангез, ногаҳ аз кужо дидам туро, —
байти билан қиёслаб кўрайлик. Алишер Навоий: “Хусунингни бир кўришга зору мубтало бўлдим, у қандай бир балоли кун эдики, сени севиб қолдим”, деб фиғон чекса, Ҳасан Дехлавий: “Мен бечора сени бир кўрдиму мубтало бўлдим-қолдим, эй менинг бошимни балога қўйган санам, сени қаёқдан ҳам кўриб қолдим?” деб ҳам ўзини, ҳам махбуба-сини мазаммат қилади.

Албатта, Алишер Навоий байти тақлид эмас, таъсир маҳсули. Таъсир бўлганда ҳам бевосита эмас, балки билвосита таъсир самараси.

Ҳар иккала газал ҳам рамали мусам-манинг мақсур вазида, яъни шакл ва оҳанг бир хил. Мавзу ҳам бир хил: ошқининг бир кўриб, маъшуқага мубтало бўлгани ҳақида. Лекин бу учун Навоий фақат ўзини ёзғиради: “Балолик бир кунда сенга ошқ бўлдим энди бир кўришга зору мубтало-ман”. Салафи эса ўзини мазаммат этиш билан бирга маъшукани ҳам айбдор қила-ди: “Мен бечора бир кўришдаёқ сенга мубтало бўлдим. Эй ошқилари бошига бало солувчи, уларнинг кўнглига фитна ўтини ёқувчи, минг бир офатга дучор қилувчи, сени дафъатан қаердан ҳам кўриб қолдим-а!”

Бу ишқ ҳақиқий махбубага бағиш-лангани учун ҳам ошқ ўзини ҳар қанча ёзғириши мумкин, лекин маъшукани айбдор қилиб бўлмайди — ҳазрат

Навоий байтининг асосий ва муҳим фарқи шунда!

Бундан ташқари, байтларнинг ифода тар-зида ҳам муштараклик ва ўзига хосликлар бор. Ҳар икки газалнинг қофия тизими ўхшаш (мубтало — ошно, то — кужо) бўлса-да, радиолари бошқа: “бўлдум санга” — “кўрдим сени”.

Икки газал матлаъларининг қиёсий таҳ-лилидан маълум бўладики, Алишер Навоий Ҳасан Дехлавий газалидан билвосита таъ-силланиб, иходийлик ва маҳорат маҳсули бўлган ўзига хос оҳорли газал яратган.

Бундай муштарак байтларни ҳар икки шоир ижодида кўп кўрамиз. Масалан, Ҳасан Дехлавий бир байтида “Мен бу гўзални кўриб, хуснига ҳайрон бўлмаган одамга ҳай-ронман”, деб лутф этса:

Маро з-он одами ҳайрони ояд,
Ки рўзай бинаду ҳайрон намонад, —
Алишер Навоий “Кимки башар ахлио жин хайли ҳайрони бўлган у пари каби гўзал-нинг ҳайрони бўлмаса, мен унинг ҳайрони-ман”, деб ўз таажжубини изҳор қилади:

У парпайкаси, ҳайрон бўлмиш инсу жон анга,
Кимки ҳайрони эмас, мен телбамен ҳайрон анга.

Ҳар қандай иход маҳсули — таъсир ва илҳом самараси. Ижод ахли бир-бирини таъ-силлантириб ва илҳомлантириб яшайди.

Ёки қуйидаги байтида салаф шоир “Эй Ҳасан, ёр ёди билан умрингни хуш-хуррам ўтказ — ёр ёди умр нимага арзийди ўзи?” деб таъкидласа:

Ҳасан аз ёди дўст хуш кун умр,
Умр бе ўн қи кор меод? —
халаф шоир “Умринг бутун файзу қувончи ёр билан, ёр дегани эса вафодор бўлиши керак”, дея тириклик моҳияти ҳақидаги хулосасини назм риштасига тизади:

ЁШЛАР УЧУН ИБРАТ МАКТАБИ

Президентимизнинг 2024 йил 27 декабрдаги “Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Махмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорини бутун халқимиз қатори ёшлар ҳам кўтаринчи руҳ билан қутиб олди. Бу бежиз эмас, албатта.

■ Фикр

Махмудхўжа Бехбудий нафа-қат жадидлик ҳаракатининг асосчиси, балки ўз ижоди, ватанпарварлиги, ахлоқий қад-риятлари ва эзгу фазилатлари билан ҳар бир ёш учун ибрат-ли сиймога айланган. Шу боис миллий истиқлолимиз учун ку-рашган, хозирги озода ва обод ҳаёт учун жонини тиккан бу улуғ инсоннинг мардлик ва жа-соратга тўла умрини, фаолият-тини биз, ёшлар сидқидилдан севиб, ардоқлаб ўқиб-ўргана-миз. Бинобарин, бугун бутун дунё бўйлаб кечаётган ҳодиса-лар, турли воқеалар бизни бир аср олдинги сабоқларни эс-лашга, улардан оқилона хуло-са чиқариш, қилинган хатола-ри такрорламасликка чорла-моқда.

Дарҳақиқат, миллий муста-қилликни сақлаш, дунё билан тенгма-тенг муносабатда бўлиш, мамлакат ҳудудий ях-литлиги, иқтисодий ва мафку-равий хавфсизлигини ҳимоя-лаш, жамият тинчлиги ҳамда осоийшталигини таъминлаш осонлик билан эришилаётган иш эмас. Бу йўлда халқимизнинг бирлиги, жиғислиги, жаҳон илм-фанини пухта эгналлаши, ватанпарварлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бехбудий бобомиз ҳам ўз даврида “Замона илм ва ф-нидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур...”, деб ёзган. Шу боис жадид-лар янги усул мактабларини очди, қобилиятли ёшларни чет

елларга ўқишга юборди. Тур-ли маърифий жамиятлар ва театр труппалари тузди, газета ва журналлар чоп қилди. Ўша даврдаги қолоқликка қарши маърифат билан курашиш уларнинг асосий мақсадлари-га айланди. Жадидлар фақат шу йўл билан чинакам озо-дликка эришиш, фаровон жам-ият қуриш, Ватанинг буюқ шаъ-наш вақатини тиклаш мумкин-лигини англашган.

Бугун Президентимиз томо-нидан амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар жадид аждоқларимизнинг тутуми ва ғояларига низоҳатда ҳамоҳанг бўлиш. Мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида, аввало, таълим тарбия тизимини миллий ўзига хослик ҳамда замон андозала-ри асосида ривожлантиришга урғу берилаяпти. Юртимизнинг барча ҳудудиди очилаётган Президент мактаблари, иход ва ихтисослаштирилган мак-таблар, янги олийгоҳлар бу бо-рада муҳим ўрин тутмоқда.

Қайд этиш жоизки, юрти-мизда Махмудхўжа Бехбудий таваллудининг юбилей санаси кенг нишонланиши жадид маърифатпарварлигининг иж-тимоий-иқтисодий, фалсафий ғояларини бугунги кун талаб-лари нуктаи назаридан ўрга-нишга ҳам кучли туртки бера-ди. Бу, албатта, қувонарлидир. Негаки, уларнинг қўллаб-қарашлари бугунги кунда ҳам долзарб.

Мисол учун, Бехбудий ўз за-монасида тўйлардаги исроф-гарчилик масаласини кўтарган

ва бунинг оқибатлари аянчи-л эканидан огоҳлантирган эди. “Катта тўй қилиб, хотун олган бир қисм бечораларни ҳолига ййгламоқ керак. Уч кунлик тўйнинг азаси баъзи оилала-да ўн йил, ҳатто бир умр су-рар, балки беватан ва хонавай-ронликка сабаб бўлур”, деб ёзarkan, тўй ва маъракаларга қилинган ортиқча сарф-хара-жатларни болаларни ўқитиш учун ишлатиш кераклигини ўқитганди.

Афсуски, орадан бир асрдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, халқимиз тўйлардаги дабдаба-бозликдан қутула олгани йўқ. Бу эса оилалардаги моддий етишмовчиликка, турли низо-ларга сабаб бўлмоқда. Оқибат-да ажрашувлар кўпаймоқда, болалар тирик етим бўлиб қол-моқда.

Демак, миллатимиз ойдин-ларининг бебаҳо мероси халқимиз, айниқса, ёшлар мил-лий-маънавий қиёфасини шакл-лантириш, уларни ахлоқий томондан юксалтириш, турли ёт ғоялардан асрашда улкан тарбиявий аҳамиятга эга.

Президентимиз таъбири би-лан айтганда, “Биз қадимий ва бой тарихимизни, айниқ-са, ғоят огир шароитда илм-маърифат, инсон эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга, миллий қадриятларга меҳр ва садоқат ғояларини дадил кўтариб чиққан жадид бо-ларимиз фаолиятини янада чуқур ўрганишимиз лозим. Уларнинг улуғ мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидойилиги Янги Ўзбе-кистонни қуришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чи-накам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зарур”.

Моҳларойим МАМАЖОНОВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети талабаси.

КОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИНГЛИЗЧА СУҲБАТ

Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан Кембриж халқаро ташкилоти эксперти Стив Кинг ва оммавий ахборот воситалари

иштирокида медиатур ташикл этилди.

■ Медиатур

Дастлаб иштирокчилар Нукус шаҳрида яқка тартиб-даги тадбиркор томонидан очилган “Kardar academy school” нодавлат хусусий мактабига таширф буюриб, у ерда ўқувчилар учун яратилган қулайликлар билан ақиндан танишди.

Шунингдек, Стив Кинг хизмат сафари давомида Нукус шаҳридаги айрим фанлар чуқур-лаштириб ўқитиладиган синфла-ри бўлган 46-умумтаълим мак-табига бўлиб, бу ердаги Кем-бриж синфларида ўқувчилар билан инглиз тилида суҳбатлаш-ди. Мулоқот якунида инглиз ти-



лида энг яхши сўзлашувчи 2 на-фар ўқувчига планшет совға қилди.

Сўнгра Нукус шаҳридаги Президент мактабига ўқитувчи-ларнинг дарс ўтиш услублари билан танишиб, ўз тақлифлари-ни билдирди.

КАСБҲИ МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

Самарқанд шаҳрида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда “WorldSkills Uzbekistan” — Ишчи касбларни ривожлантириш ва оммалаштириш ассоциацияси ҳамкорлигида “WorldSkills Samarkand — 2025” V миллий касблар мусобақаси ўтказилмоқда.

■ Беллашув



Мазкур беллашувнинг расмий очилиш маросимида Самарқанд вилояти ҳокими вафасини ба-жарувчи Адиз Бобоев, “ESAB”нинг Марказий Осиёдаги раҳбари Ека-терина Татарина, Швейцария-нинг “Ўзбекистонда касбий таъ-лим ислохотларини қўллаб-қув-ватлаш” лойиҳаси раҳбари Симо-не Страсбургер, шунингдек, иш

берувчи корхона ҳамда ташкилот-лар раҳбарлари қатнашди. Маълумот учун, мусобақа жами 146 нафар иштирокчини қамраб олган. Улар 4 февралга қадар электромонтаж, тиббий ва ижтимоий ғамхўрлик, пайванд-лаш ва сантехника технология-си касблари бўйича беллашади.

«Халқ сўзи».

Хотин-қизлар пиллачилик бўйича қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитилади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 12 620 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетани ҳақиқий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибхат 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюқ Турон кўчаси, 41.

ЎЗА якуни — 22.50

Тошпирилди — 00.10

1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-ўй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.

Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.